



ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИК УЧУН МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Худайбердиев Абдурашид Абдирасулович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси маъмурий ҳуқуқ
кафедраси доценти ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Тўраев Шавкат Менгишович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура
“Ташкилий-тактик бошқарув” мутахассислиги тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7680113>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 18-fevral 2023 yil

Ma'qullandi: 24-fevral 2023 yil

Nashr qilindi: 27-fevral 2023 yil

KEY WORDS

Давлат органлари, жамоат жойлари, ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, ички ишлар органлари.

ABSTRACT

Мақолада жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликнинг мазмун-моҳиятини назарий ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган, олимларнинг фикрлари ва амалиётни ўрганиш натижалари асосида уни такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар берилган

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилиётган ислоҳотлар қонунчилик соҳасини тубдан такомиллаштиришга йўналтирилгани, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигига асосланиши жамиятимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамламасдан қолмайди. А.Насиллоев таъкидлаганидек, бирор бир давлатда қонунлар яратилар экан, ўша давлатнинг фуқаролари, шунингдек, у ерда бўлиб турган бошқа шахслар учун ушбу қонунлар уларнинг маълум бир ҳуқуқлари таъминланишини кафолатлаш билан биргаликда уларга бурч ва мажбуриятларни ҳам юклайди¹ деган мазмундаги фикри ҳам сўзимизнинг исботидир. Бу борада, ҳуқуқшунослар С.Рустамов ва Ш.Қушбоқовлар ҳам Давлат органларида маъмурий ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этишдир² деганлар. Зеро, Дж.Х.Юлдашев айтганидек, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда асосий эътибор шахс ҳуқуқларини кафолатлаш даражасини ошириш масаласи билан

¹ Насиллоев А. Ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликнинг назарий жиҳатлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 27-33.

² Рустамов, С., & Қушбоқов, Ш. (2022). Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни. *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*, 2(10 Special Issue), 28-31.

бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда³. Шу ўринда, юртимизда қабул қилинаётган қонунлару, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни идеал деб бўлмайди. Қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар, амалга ошириш механизмлари, шунингдек, муайян тушунчаларнинг аниқ таърифи мавжуд эмаслиги, ҳуқуқни қўллаш соҳасида бир қатор баҳсли ва муаммоли ҳолатларни келтириб чиқармоқда⁴.

Чунончи, қонунчилигимизда “жамоат жойи” тушунчаси учун аниқ таъриф берилмаган. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг айрим моддаларини қўллаш жараёнида бир қатор тушунмовчиликларга сабабчи бўлмай қолмайди⁵. Зеро, МЖТҚда қайд этилган эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш (54-м.), жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш (56¹-м.), майда безорилик (183-м.), фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши (184¹-м.), совуқ қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш (185²-м.), жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш (187-м.), тиланчилик қилиш (188³-м.), байроқлар ва вимпеллардан ғайриқонуний фойдаланиш, плакатлар, эмблемалар ва рамзларни тайёрлаш, тарқатиш ёки тақиб юриш (203-м.) ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш (211-м.)⁶ каби ҳуқуқбузарликлар назарда тутилган моддаларни қўллашда бевосита “жамоат жойи” тушунчасига дуч келамиз. Юқорида қайд этганимиздек қонунчилигимизда “жамоат жойи” тушунчасининг аниқ, ягона таърифи мавжуд эмас⁷. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз туризм” дастурий комплекси ишга туширилди⁸.

Бироқ, қонун чиқарувчи, айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга жамоат жойлари рўйхатларини киритган. Масалан, “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида қуйидагилар жамоат жойлари сифатида таъкидланган: - стационар савдо объектлари, умумий овқатланиш корхоналари; - кинотеатрла, театрлар, цирклар, концерт, кўрик ва кўргазма заллари, оммавий дам олиш учун мўлжалланган бошқа ёпиқ иншоотлар; - клублар, дискотекалар, компьютер заллари, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар, бошқа кўнгилочар (бўш вақт

³ Юлдашев Д. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклашга доир муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш //Юрист ахборотномаси. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 8-13

⁴ Юлдашев Д.Х. Теоретико-правовой анализ понятия паспортной системы //Евразийский Союз Ученых. – 2016. – №. 6-4 (27). – С. 30-32.

⁵ Нарбугаев, Э., & Еттибаев, Г. (2021). Некоторые вопросы дальнейшей либерализации лицензионно-разрешительных процедур для отдельных видов деятельности. *Общество и инновации*, 2(8/S), 385-392.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Электрон манбага мурожаат: <https://www.lex.uz/acts/97664> (14.02.2023.).

⁷ Охунов З. Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 185-188.

⁸ Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.

ўтказиладиган) жойлар; - музейлар, ахборот-кутубхона муассасалари, маърузахоналарда; - маҳаллий ва узоққа қатнайдиган поездлар, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонлари (шу жумладан тамбурлари), дарё кемалари, шаҳарда, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро қатнайдиган автобуслар, таксилар, йўналишли таксилар ҳамда шаҳар электр транспорти, шунингдек ҳаво кемалари; - ер ости ўтиш жойлари, транспорт бекатлари ва автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари; - аэропортларнинг, темир йўл, автомобиль вокзалларининг ва сув транспорти бекатларининг бинолари; - давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бинолари; - соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ва ташкилотлари, таълим муассасалари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари; - иш жойлари бўлган хоналар; - кўп квартирали уйларнинг йўлаклари, шунингдек уйлар олди ҳудудида жойлашган болалар ва спорт майдончалари; хиёбонлар, боғлар, кўчалар⁹.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонун 19-моддасида иш жойлари, кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари, жамоат транспортининг барча турлари, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасалари, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойлар, шу жумладан автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари жамоат жойлари сирасига киритилган¹⁰. Бироқ ушбу рўйхатлар қоида тариқасида киритилмаган бўлиб, уларнинг доираси янада кенгайтириши мумкинлигини истисно этиб бўлмайди. Шу ўринда, бу борада Э.Х.Норбўтаев таъкидлаганидек, олимларнинг фикрлари ва амалиётни ўрганиш натижалари асосида уни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар¹¹ ишлаб чиқиш зарур.

Бундан ташқари, ҳуқуқшунос олимларимиз ҳам жамоат жойига ўз фикр мулоҳазаларини билдирган бўлиб, жумладан, А. Худайбердиев ва Ю. Искандаровлар жамоат жойини хусусиятига кўра 4 гуруҳга бўлишни лозим кўришган бўлиб булар куйидагилар:

доимий жамоат жойлари – кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, соҳиллар, тегишли идоралар томонидан кеча-ю кундуз фаолият олиб боришига рухсат берилган дам олиш масканлари, жамоат транспортлари;

даврий жамоат жойлари – тегишли идоралар томонидан кунлик ва мавсумий иш вақти белгилаб берилган жойлар, яъни пляжлар, усти очиқ ва ёпиқ кинотеатрлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини териб олиш учун фуқароларнинг уюшган ҳолда тўпланадиган дала майдонлари, музейлар, кутубхоналар, клублар, барча турдаги даволаниш муассасалари (ички тартиб-қоидаларга кўра ташриф вақти белгиланган,

⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги қонуни. Электрон манбага мурожаат: <https://lex.uz/docs/3803253> (14.02.2023.)

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонуни. Электрон манбага мурожаат: <https://lex.uz/acts/1880029> (14.02.2023.)

¹¹ Нарбўтаев Э. Лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати ҳамда ички ишлар органларининг рухсат бериш фаолияти //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 40-47.

яъни беморларни кўришга келганларнинг киришига рухсат берилган вақтлар), умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари, чойхона, ресторан, бар, кафелар киради (кириш-чиқиш жойлари алоҳида назоратга олинганлари бундан мустасно);

бир марталик жамоат жойлари – фуқароларнинг уюшган ҳолда шаҳар ташқарисидаги очиқ майдонларга, тоғларга ва адирликларга сайилга чиқиш жойлари;

кўча – сутканинг ҳар қандай вақтида барча учун очиқ бўлган жойлар, яъни транспорт ёки пиёдалар ҳаракатланадиган йўлаклар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, соҳиллар, кўприклар, эстакадалар, жамоат транспортлари бекатлари, пляжлар, бозорлар, истироҳат боғлари (фаолият олиб бориш вақти чегараланмаган бўлса), тор кўчалар, боши берк кўчалар, умумий ҳовлилар (хусусий ҳовлилар ҳамда эшиклари ёпиладиганлари бундан мустасно) , кўп қаватли уйларнинг подъездлари (ёпиладиганлардан ташқари), ўрмон парк зоналари, карьерлар, ялангликлар, очиқ сув ҳавзаларининг қирғоқлари ва бевосита сув ҳавзалари¹²ни жамоат жайлари деб билади.

Шу нуқтаи назардан ИИВ томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси ҳуқуқни қўлловчилар учун ишончли таянч нуқтаси бўлиши мумкин. Унда жамоат жойи деганда тўсиқсиз кириш (бўлиш) учун очиқ бўлган, ёхуд фуқароларнинг турли эҳтиёжларини қаноатлантириш учун мўлжалланган жойдаги участкалар, бинолар, хоналар, иншоотлар, уларнинг қисмлари, шунингдек транспорт коммуникацияларини тушуниш таклиф этилган. Жамоат жойлари таснифи эса уларнинг очиқ бўлиш вақти мезонига асосланган:

доимий тусдаги – ҳудудда фуқароларнинг доимий бўлиши ёки доимий бўлиш имконияти, муайян вақтда фаолият юритиш режими белгиланмагани ва фуқаролар доимий яшайдиган объектларнинг мавжуд бўлиши билан таснифланади. Булар – транспорт магистраллари, кўчалар, турар жой даҳалари, маҳаллалар, мавзелар, микрорайонлар ҳудудлари, аэропортларнинг, темир йўл, автомобиль вокзалларининг ва сув транспорти бекатларининг бинолари ва ҳ.к.;

вақтинча тусдаги – фуқароларнинг вақтинча бўлиши ёки вақтинча бўлиш имконияти, муайян вақтда фаолият юритиш режими белгилангани ва фуқаролар доимий яшайдиган объектларнинг мавжуд эмаслиги билан таснифланади. Уларга хиёбонлар, майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари, савдо, кўнгилочар, савдо-кўнгилочар комплекслари ва марказлари, гипермаркетлар, супермаркетлар, бозорлар ва фуқаролар оммавий тўпланадиган бошқа жойлар ва ҳ.к. киради;

бир марталик тусдаги – оммавий жамоат, қишлоқ хўжалиги ёки бошқа ишлар ва тадбирларни, шу жумладан улар оммавий бўлган пайтда тантанали тадбирлар, диний маросимларни ўтказиш пайтида оммавий тадбирлар ўтказиладиган объектлар ва жойдаги алоҳида участкалар.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида жамоат хавфсизлигига таъриф берилган, уни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатилган, ушбу вазифа юклатиладиган органлар ва муассасаларнинг, шунингдек фуқаролар, ўзини ўзи

¹² Худайбердиев А., Искандаров Ю. Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларининг маъмурий-ҳуқуқий тавсифи //Иновационные исследования в науке. – 2022. – Т. 1. – №. 16. – С. 16-21.

бошқариш органлари ва жараённинг бошқа иштирокчиларининг ваколатлари санаб ўтилган¹³.

Назаримизда, ушбу ҳуқуқшуносларни ёндашуви тўғри лекин ушбу жамоат жойининг тавсифланиши жамоат жойи тарифини бера олмайди. Бу борада ҳуқуқшунос З.М. Охунов фикрича, “жамоат жойи” тушунчасининг қонунчиликка киритилиши ушбу жойларда содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни малакалашга оид муаммоларнинг ечими бўлади деб айта оламиз. Муайян ҳуқуқбузарликнинг жамоат жойида содир этилган, деб ҳисоблашимиз учун, ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда жамоанинг, яъни одамларнинг мавжудлигини инобатга олишимиз лозим бўлади¹⁴. Ш.Х. Қушбоқов фикрича, бундай шахслар билан ишлаш фаолияти ҳам алоҳида аҳамият касб этади¹⁵

Чунки, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда одамлар гуруҳининг йўқлиги ушбу жойининг “жамоатчилик” функциясини вақтинчалик ёқотганлигини англатади. Бу эса, ҳуқуқбузарликнинг асосий таркибий элеменларидан бири – ҳуқуқбузарлик объекти мавжуд эмаслигидан далолат беради. Мисол учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 56¹-моддасида ўзгалар соғлиғига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарлик, яъни жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш келтирилган бўлиб, унга кўра иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Юқорида келтирилган иш жойлари, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида шахс тамаки истеъмол қилаётган вақтда одамларнинг мавжуд бўлмаслиги бевосита ўзгалар соғлиғига тажовузни ҳам келтириб чиқармайди. Бу эса ушбу қилмишни ҳуқуқбузарлик деб топмаслигимиз учун асос бўлади. Шундай экан, юқоридаги қонун ҳужжатларини таҳлил этган ҳолда З.М. Охунов фикрига тайянамиз. Унинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 56¹-моддасига қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: “Ҳуқуқбузарлик содир этилаётган вақтда ҳуқуқбузар ёхуд ҳуқуқбузар ҳамда жабрланувчидан ташқари икки ёки ундан ортиқ шахслар мавжуд бўлган жой жамоат жойи ҳисобланади.” Ушбу тушунчанинг қонунчиликда мустақамланиши ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда айбсиз шахсларни жавобгарликка тортиш ҳолатларини олдини олишга хизмат қилишига ишонамиз.

Шу ўринда жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183– 192-моддаларида

¹³Подробнее: https://www.norma.uz/nhh_loyihalari/qaer_jamoat_joyi_hisoblanadi?ysclid=le7ffaqnmr894591315

¹⁴ Охунов З. Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 185-188.

¹⁵ Қушбоқов, Ш., & Таджиев, Э. (2023). Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби. *Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot*, 2(4), 35-44.

белгиланган. Жумладан: майда безорилик; жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш; фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши; диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш; миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш; ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш; пиро- техника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи; фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши; этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш; жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш; вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш; вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш; вояга етмаган шахснинг қўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш; порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш; зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш; фоҳишалик билан шуғулланиш; қимор ва таваккал- чиликка асосланган бошқа ўйинлар; маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш кабиларга.

Ушбу ҳуқуқбузарликларни содир этилиш даражасига кўра энг кўп содир этиладигани бу майда безорилик (МЖТКнинг 183-модда), яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, – энг базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади¹⁶.

Майда безорилик ҳуқуқбузарлиги Т.Адиловнинг ёзишича, Суд ҳукми билан маъмурий қамоқ жазоси қўлланган шахсларнинг 25 795 нафари МЖТКнинг 183-моддасига асосан, 8 851 нафари МЖТКнинг 187-моддасига асосан, 73 нафари МЖТКнинг 188³-моддасига асосан, 3 898 нафари МЖТКнинг 131, 136-моддаларига асосан, 3 046 нафари МЖТКнинг 194, 195-моддаларига асосан ва 7 783 нафари бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этганликлари учун маъмурий қамоқда ушлаб турилган бўлиб, қамоқ муддати жами 409 942 суткани ташкил этди¹⁷.

Бундан кўриниб турибдики энг кўп содир этиладиган ҳуқуқбузарликлардан бири майда безорилик ҳисобланишини кўриб турибмиз.

Шу ўринда майда безорилик ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибига назар солсак. Жамоат тартиби майда безориликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади. Жамоат тартиби жамоат жойларида ҳуқуқ меъёрларини сақлашга асосланган муносабатлардир. Жамоат тартиби фақат ҳуқуқий меъёрларгина эмас, балки бошқа ижтимоий меъёрлар: ахлоқ, урф-одат, жамоат ташкилотларининг меъёрлари билан

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Электрон манбага мурожаат: <https://www.lex.uz/acts/97664> (14.02.2023.).

¹⁷ Адилов Т. Жамоат тартибига тажовуз қилувчи майда безорилик ҳуқуқбузарлигининг ўзига хос хусусиятлари //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 47-49.

хам мустаҳкамланади. Шу сабаб бу борада ҳам мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда¹⁸

Ҳуқуқий меъёрлар асосий роль ўйнайди, чунки тартибни бузганлик учун юридик жавобгарликни, жазонинг тури ва меъёрини шулар белгилайди.

Айбдорнинг хатти-ҳаракати жамиятнинг, теварак-атрофдаги фуқароларнинг манфаатларини яққол менсимасликдан, маданий савиясининг пастлигидан, ахлоқ ва одобнинг мавжуд қоидаларини эътиборга олмасликдан далолат бериб туради.¹⁹

Фуқаролар осойишталиги ва жамоат тартибини бузувчи хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини тавсифлайди. Булар: жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш; фуқароларга ҳақоратомуз тегажоглик қилиш, яъни бошқа шахснинг обрў эътибори, иззат-шаънини ҳақоратловчи ҳамда уларнинг оромини бузувчи шилқимлик хатти-ҳаракати бўлиши мумкин. Бунга, шунингдек, фуқарони инсон кадр-қимматини ҳақоратловчи суҳбатга зўрлаб тортиш, шилқимлик билан унинг қўлини силташ ёки куч билан қўлидан ушлаш, бош кийимини юлқиб олиш; сигарета тутунини унинг юзига пуфлаш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Майда безорилик объектив томонининг муҳим белгиси вазият, макон, вақт ҳисобланади. Турли шароитда бир хил хатти-ҳаракат турлича аҳамият касб этади (масалан, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш майда безориликка хос воқеа, худди шундай хатти-ҳаракат тантанали мажлис, байрам ва бошқа оммавий тадбирларда жиноят тарзида жазоланувчи безорилик сифатида тавсифланиши мумкин (ЖК 277-моддаси 3-қисми «в» банди).

Майда безорилик кўпинча жамоат жойларида амалга оширилади, яъни омманинг қабул қилиш идрокига таянилади. Бироқ жамоатга ёки инсон шаънига нисбатан менсимаслик муносабати (уятли сўзлар ёзиш, майсазор, гулзорларни бузиш ва ҳоказолар) маълум бўлиб қолишини эътиборга олиб, ҳуқуқбузарлик яширинча бажарилган бўлиши мумкин.

Майда безорилик субъектив томондан қасддан ва кўпинча ошкора амалга оширилиши билан тавсифланади. Айбдор қонунга қарши хатти-ҳаракат қилаётганини тушунади ва шунинг натижасида ёмон оқибатга олиб келишига – жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталиги бузилишига йўл қўяди. Майда безорилик онда-сонда эгри ният билан амалга оширилади шу билан ҳуқуқбузарнинг Ш.Х. Қушбоқов таъкидлаганидек, фаолиятини олиб боришдан мақсад ва вазифалари ёритиб берилган²⁰

16 ёшга тўлган шахс майда безорилик субъекти бўлиши мумкин.

Майда безорилик ЖК 277-моддасида кўзда тутилган безорилик хатти-ҳаракатидан фарқ қилади.

¹⁸ Нарбутаев Э., Еттибаев Г. Фаолиятни айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботларини янада либераллаштиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392.

¹⁹ Qushboqov, S., & Yetmishboyev, M. (2022). Jazoni ijro etish muassasalari ishtirokida tuziladigan fuqarolik-huquqiy shartnomalarning mohiyati va ahamiyati. *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*, 2(9), 76-80.

²⁰ Қушбоқов, Ш. (2022, September). Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни. In *Международная конференция академических наук* (Vol. 1, No. 27, pp. 16-20).

Майда безорилик ҳақидаги иш маъмурий ишлар бўйича судья томонидан (МЖТК 245-м.), агар 247-моддада кўзда тутилган иш бўлса, вояга етмаганлар иши бўйича комиссия, шунингдек, ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади.

Ушбу ҳуқуқбузарликни мазмун моҳиятини очиб беришдан мақсад жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг мазмунини ёртишдир²¹. Шунини айтишимиз мумкинки жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг мазмуни ва моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади. Жумладан:

биринчидан, жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар асосан жамоатнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилади;

иккинчидан, ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилиш жойи жамат жойи бўлиши керак. Яъни содир этилган ҳуқуқбузарлик учун айнан МЖТК билан белгиланган жой (мисол учун 56¹-модда) ёки Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар бобига кирувчи моддалар;

учинчидан, жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни ўрганишда қоида тариқасида фақат МЖТК Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар бобидаги ҳуқуқбузарликларни киритиш нотўғри бўлиб ушбу бобнинг мазмуни назаримизда жамоат жойига эмас балки жамоат тартибига қаратилгани билан жамоат жойларида

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Насиллоев А. Ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарликнинг назарий жиҳатлари //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 27-33.
2. Рустамов, С., & Қушбоқов, Ш. (2022). Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 2(10 Special Issue), 28-31.
3. Юлдашев Д. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклашга доир муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш //Юрист ахборотномаси. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 8-13
4. Юлдашев Д.Х. Теоретико-правовой анализ понятия паспортной системы //Евразийский Союз Ученых. – 2016. – №. 6-4 (27). – С. 30-32.
5. Нарбутаев, Э., & Еттибаев, Г. (2021). Некоторые вопросы дальнейшей либерализации лицензионно-разрешительных процедур для отдельных видов деятельности. Общество и инновации, 2(8/S), 385-392.
6. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Электрон манбага мурожаат: <https://www.lex.uz/acts/97664> (14.02.2023.).
7. Охунов З. Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 185-188.
8. Охунов З., Қушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.

²¹ Қушбоқов, Ш. (2022). Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(4), 58-63.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги қонуни. Электрон манбага мурожаат: <https://lex.uz/docs/3803253> (14.02.2023.)
10. Ўзбекистон Республикасининг “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги қонуни. Электрон манбага мурожаат: <https://lex.uz/acts/1880029> (14.02.2023.)
11. Нарбутаев Э. Лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати ҳамда ички ишлар органларининг руҳсат бериш фаолияти //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 40-47.
12. Худайбердиев А., Искандаров Ю. Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларининг маъмурий-ҳуқуқий тавсифи //Инновационные исследования в науке. – 2022. – Т. 1. – №. 16. – С. 16-21.
13. Подробнее: https://www.norma.uz/nhh_loyihalari/qaer_jamoat_joyi_hisoblanadi?ysclid=le7ffaqnmr894591315
14. Охунов З. Жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 185-188.
15. Қушбоқов, Ш., & Таджиев, Э. (2023). Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби. *Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot*, 2(4), 35-44.
16. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Электрон манбага мурожаат: <https://www.lex.uz/acts/97664> (14.02.2023.).
17. Адилов Т. Жамоат тартибига тажовуз қилувчи майда безорилик ҳуқуқбузарлигининг ўзига хос хусусиятлари //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 47-49.
18. Нарбутаев Э., Еттибаев Г. Фаолиятни айрим турларини лицензиялаш ва руҳсат бериш тартиботларини янада либераллаштиришнинг айрим масалалари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392.
19. Qushboqov, S., & Yetmishboyev, M. (2022). Jazoni ijro etish muassasalari ishtirokida tuziladigan fuqarolik-huquqiy shartnomalarning mohiyati va ahamiyati. *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*, 2(9), 76-80.
20. Қушбоқов, Ш. (2022, September). Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни. In *Международная конференция академических наук* (Vol. 1, No. 27, pp. 16-20).
21. Қушбоқов, Ш. (2022). Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи. *Development of pedagogical technologies in modern sciences*, 1(4), 58-63.